

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

**ЖАДИГЕРОВА МЫРЗАГУЛ САРСЕНБАЕВНА**

**КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН МАЙДОНЛАРДА ОҚБОШ КАРАМ (*BRASSICA  
CAPitata LIZG.*) НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА)**

06.01.06 – Сабзавотчилик

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Жадигерова Мырзагул Сарсенбаевна**

Кучсиз шўрланган майдонларда окбош карам (*Brassica capitata Lizzg.*) нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон шаронтида)..... 5

**Жадигерова Мырзагул Сарсенбаевна**

Отбор сортаобразцов и совершенствование технологии выращивания белокочанной капусты (*Brassica capitata Lizzg.*) на слабозасоленных площадях (в условиях Каракалпакстана)..... 21

**Jadigerova Mirzagul Sarsenbaevna**

Selection of varieties and improvement of growing technology of white cabbage (*Brassica capitata Lizzg.*) on slightly saline areas (in the conditions of the Karakalpakstan)..... 37

**Эълон қилинган ишлари рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЖАДИГЕРОВА МЫРЗАГУЛ САРСЕНБАЕВНА**

**КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН МАЙДОНЛАРДА ОҚБОШ КАРАМ  
(BRASSICA CAPITATA LIZG.) НАВ НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА  
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(Қорақалпоғистон шароитида)**

**06.01.06 – Сабзавотчилик**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Qx1199 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «Ziyouctb» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouctb.uz](http://www.ziyouctb.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Шокиров Алишер Жўрабоевич</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Адилов Махсуд Мирваситович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Бўстонов Зокиржон Тажибаевич</b> қишлоқ хўжалик фанлари номзоди
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 30 октябрь соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№551886-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 18-октябрь кунни тарқатилди.

(2024 йил 16-сентябрдаги №27 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.И.Асатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.х.ф.д.,  
профессор.

**М.З.Холмуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,  
(PhD) доцент.

**С.А.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.х.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича 2,467 млн. гектардан ортиқроқ майдонларда оқбош қарам экилиб, 72,28 млн. тоннадан ортиқ ҳосил етиштирилган. Оқбош қарам етиштириш бўйича: “Хитой халқ республикаси, (мос ҳолда аҳоли жон бошига 25,2 кг, умумий экилган майдон 1,0 млн.га, ҳосилдорлик гектаридан 35,0 т/га, ялпи ишлаб чиқариш 35,1 млн.т), Ҳиндистон (7,2 кг, 388,0 минг.га, 23,2 т/га, 9,56 млн.т), Жанубий Корея (47,9 кг, 68,2 т/га, 2,47 млн.т), Россия (16 кг, 67,9 минг. га, 34,7 т/га, 2,35 млн.т) ва Ўзбекистон (20,8 кг, 12,6 минг. га, 54,0 т/га, 6,81 минг. т) эгаллаб келмоқда”.<sup>1</sup> Ушбу экин тури асосан озиқ-овқат мақсадларида етиштирилиб, кўп миқдорда С, К витаминлари ва клетчаткага бойдир. У енгил ҳазм бўладиган ва паст калорияли маҳсулот ҳисобланади, шунинг учун парҳез таомларида кенг қўлланилиб, унга бўлган талаб доим юқори бўлмоқда.

Жаҳонда мўътадил иқлим шароитига эга бўлган Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатларда қишлоқ хўжалигида сабзавот экинларини етиштириш кенг тарқалган. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари учун турли стресс омилларга, айниқса, шўрланган, кучсиз шўрланган майдонларда етиштириш учун чидамли, мослашувчан эртапишар, ўртапишар нав ва дурагайлари яратиш, танлаш, етиштириш технологияларини: экиш муддатлари ва ўсимликларни озикланиш майдонларини, шунингдек, маҳсулот таннархини пасайтириш борасидаги ресурстежамкор технологияларни такомиллаштириш борасида тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасида сўнги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида аҳолини сифатли, таннархи юқори бўлмаган сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш кучсиз шўрланган ва шўрланган майдонлар етиштириш учун мос, юқори ҳосилли, экспортбоп, ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса сабзавот турларини экиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. Лекин Қорақалпоғистон республикаси шароитида оқбош қарам нав намуналарини етиштириш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 30-мақсадида “...экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш”<sup>2</sup> устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Шу боис, кучсиз шўрланган майдонларда етиштиришга мос оқбош қарам нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологияларини

<sup>1</sup> <http://surl.li/odnwg>

<sup>2</sup> ЎзР Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сонли Фармони.

такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18-майдаги 4716-сон “Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ-113-сон “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 5-мартдаги ПҚ-115-сон “Аҳоли хонадонларида саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ҳамда томорқа ва деҳқон хўжаликларида янги захираларни ишга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларнинг турли тупроқ иқлим шароитларида оқбош қарам навларини танлаш, етиштириш технологияларини такомиллаштириш бўйича АҚШда М. Williams, Испанияда С. Rodrigues, Туркияда Ş. Neslihan, Ҳиндистонда R. Gupta, Россияда Н.Б. Петров, В.А. Денисов, В.В. Скорина, В.Ф. Пивоваров, Л.К. Гуркина, И.Д. Ражабли, О.Н. Вишневская, А.Ф. Бухаров, Л.И. Уралец, М.Н. Шаптуренко, В.Н. Лукьянец, С.В. Королева, Г.А. Костенко, А.Д. Джахангиров, Г.Ф. Монахос, В.П. Кузьмищевлар; Қозоғистонда Т. Айтбаев ва бошқа мамлакатларда кўплаб олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда В.И. Зуев, О. Қодирхўжаев, Б.Ж. Азимов, Т.Э. Остонақулов, А.М. Аббасов, М.Х. Арамов, А.Ж. Шокиров, С.С. Лапасов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотчилар томонидан оқбош қарамни турли муддатларда етиштириш учун муайян минтақалар тупроқ иқлимига хос навларини танлаш, экиш схемалари ва муддатларини аниқлаш, минерал ўғитлар ва суғоришнинг ҳар бир нав учун энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тавсиялар бериб ўтилган. Бирок, ушбу тавсиялар тадқиқотлар олиб борилган муайян минтақалар тупроқ-иқлим шароитлари учун ишлаб чиқилган. Республикаимизнинг шимолий худуди ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикасида тупроқ-иқлим шароити айниқса, охириги йилларда об-ҳаво глобал иқлим ўзгариши сабабли, сув танқислиги, экин майдонлари тупроқлари шўрланиши кенгайиб бормоқда. Кучсиз шўрланган майдонларида етиштириш учун мос оқбош қарам нав ва дурагайлари танлаш, навларни биологик ва хўжалик белгиларига мос экиш схемалари ва мақбул экиш муддатларини аниқлаш бўйича илмий асосланган тадқиқотлар кўлами етарлича деб бўлмайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Мевачилик, сабзавотчилик ва полизчилик” кафедрасининг №8-2 “Қорақалпоғистонда сабзавот ва полиз экинлари турларини етиштиришнинг инновацион технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилган (2021-2023 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади:** Қорақалпоғистон Республикасининг кучсиз шўрланган майдонларида етиштириш учун оқбош карам нав намуналарини танлаш, макбул экиш муддатлари ва схемаларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карам нав намуналари тўпламини морфологик ва қимматли хўжалик белгиларини тадқиқ этиш, истиқболли нав ва дурагайларни танлаш;

оқбош карамнинг эртапишар, ўртапишар нав ва дурагайларини макбул экиш муддатларини аниқлаш;

оқбош карамнинг эртапишар, ўртапишар нав ва дурагайлари учун қулай экиш схемаларини аниқлаш;

турли экиш схемалари ва муддатларини оқбош карам нав ва дурагайлари морфологик, хўжалик белгиларига таъсирини математик, статистик таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оқбош карамнинг 5 та навлари: “Ташкентская 10”, “Надежда”, “Бегабадская”, “Навруз”, “Золотой гектар 1432” ва 15 та “Фреско F<sub>1</sub>”, “Грегориан F<sub>1</sub>”, “Эмили F<sub>1</sub>”, “Магнус F<sub>1</sub>”, “Грин флэш F<sub>1</sub>”, “Блю жейс F<sub>1</sub>”, “Греен престо F<sub>1</sub>”, “Аморе F<sub>1</sub>”, “Юбилейный 217 F<sub>1</sub>”, “Полка F<sub>1</sub>”, “Старт F<sub>1</sub>”, “Ортус F<sub>1</sub>”, “Вестри F<sub>1</sub>”, “Бухарест F<sub>1</sub>”, “Мишутка F<sub>1</sub>” дурагайлари ҳамда 5 та экиш муддатлари ва 5 та экиш схемалари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети:** оқбош карам нав намуналарининг морфологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик элементлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг услублари:** Тадқиқотлар Б.Ж.Азимов, Б.Б.Азимовларнинг «Сабзавотчилик, полизчилик ва картошқачиликда тажрибалар ўтказиш методикаси» (2002), “Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте” (1987), Методика полевого опыта в овощеводстве (2011, Под ред. С.С.Литвинова), В.Ф.Беликнинг «Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве» (1992), «Методические указания по экологическому испытанию овощных культур» (1987) номли қўлланмаларида келтирилган услублар асосида олиб борилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) дисперсион услуби ёрдамида «Excel» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор, Қорақалпоғистон Республикаси кучсиз шўрланган тупроклари шаронтида оқбош қарам нав намуналари комплекс ўрганилиб, морфологик (қарамбошининг зичлиги, йириклиги) ва қимматли хўжалик белгилари (эртапишарлиги, ҳосилдорлиги, шўрланишга чидамлилиги) бўйича баҳоланган;

кучсиз шўрланган майдонларда синалган оқбош қарам нав намуналари синаш натижасида “Навруз”, “Ташкентская 10” навлари, “Фреско F<sub>1</sub>”, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайлари истиқболли сифатида ажратилган;

оқбош қарамнинг эртапишар “Навруз” нави учун 10 апрел (56,2 т/га), “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи – 30 март (57,5 т/га), ўртапишар “Ташкентская 10” нави – 20 апрел (56,7 т/га) ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайи учун 20 апрел (65,7 т/га) энг мақбул экиш муддати эканлиги аниқланган;

кучсиз шўрланган майдонларда оқбош қарамдан юқори товарбop ҳосил эртапишар “Навруз” навида 70x30 см схемада (51,9 т/га), “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи – 60 x30 см (58,3 т/га), ўртапишар “Ташкентская 10” нави – 70x40 см (54,8 т/га) ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 70x40 см схемада (57,5 т/га) олинishi илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

оқбош қарамни эртапишар “Навруз” нави 10 апрелда экилганда ҳосилдорлик барча вариантларга нисбатан: – 4,8-14,5% га, рентабеллиги 11,0-34,0 % гача, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи 30 мартда экилганда мос равишда ҳосилдорлик – 11,2-48,4 % га, рентабеллик кўрсаткичи – 26,0-130,0 % гача юқори бўлган;

ўртапишар “Ташкентская 10” навини 20 апрелда экилганда ҳосилдорлик бошқа вариантларга нисбатан: – 10,8-34,4 % га, рентабеллиги – 18,0-64,0 % гача, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида ҳосилдорлик – 3,8-48,0 % га, рентабеллиги – 6,0-99,0 % гача юқори бўлган;

эртапишар “Навруз” навини 70x30 см схемада экилган вариантда ҳосилдорлик барча вариантларга нисбатан: – 15,6-30,5 % га, рентабеллик кўрсаткичи – 30,0-59,0 % гача, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайини 60x30 см схемада ҳосилдорлик – 8,3-63,9 % га, рентабеллиги – 11,0-75,0 % гача юқори бўлган;

ўртапишар “Ташкентская 10” навини 70x40 см схемада экилганда барча вариантларга нисбатан ҳосилдорлик: – 10,6-34,7 % га, рентабеллик даражаси – 20,0-74,0 % га, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида ҳосилдорлик – 12,4-34,5 % га, рентабеллик кўрсаткичи – 27,0-75,0 % гача юқори бўлиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқот натижаларининг Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, илмий ҳисоботлар ҳар йили институт илмий кенгашида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий тақриз олинган, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилган. Таҷриба натижалари халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилиниб мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг кучсиз шўрланган майдонларида етиштирилган оқбош қарамнинг ўсиши, ривожланиши морфологик ва хўжалик белгилари тадқиқ этилганлиги; танланган нав ва дурагайлари экиш муддати, экиш схемасига боғлиқ равишда ҳосилдорлик ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кучсиз шўрланган майдонларда етиштириш учун оқбош қарамнинг истиқболли эртапишар, ўртапишар нав ва дурагайлари танланганлиги, парваришlashда самарали экиш муддатлари, экиш схемалари ишлаб чиқилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоғистон Республикасининг кучсиз шўрланган майдонларда оқбош қарам нав намуналарини танлаш ва етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

“Кучсиз шўрланган майдонларда оқбош қарам етиштириш бўйича агротехнологик карта” ва “Эртаги муддатда оқбош қарам нав ва дурагайлари етиштириш” номли тавсияномалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 11-январдаги 01/01-65-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома дехқон, фермер хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига оқбош қарам етиштиришда амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

кучсиз шўрланган майдонларда етиштириш учун оқбош қарам нав намуналарни танлаш ишланмаси Нукус тумани “Azatbek-Elbek” фермер хўжалигида 0,3 гектар майдонга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 11-январдаги 01/01-65-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида “Навруз” навидан 53,0 т/га, “Ташкентская 10” навидан 50,0 т/га, “Магнус F<sub>1</sub>” навидан 62,0 т/га, “Фреско F<sub>1</sub>” 64,0 т/га ҳосил олинган, нав намуналаридан олинган соф даромад 70-102 млн.сўм, рентабеллик 127-176 % ни ташкил этган;

кучсиз шўрланган тупроқ-иқлим шароитида оқбош қарам нав ва дурагайлари маъқбул экиш муддатларини ўрганиш ишланмаси Нукус тумани “ASAL” фермер хўжалигида 0,2 гектар майдонга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024-йил 11-январдаги 01/01-65-сонли маълумотномаси). Натижада оқбош қарам навларини маъқбул экиш муддатларида экиб етиштирилганда “Навруз” навидан 63,2 т/га, “Ташкентская 10” навидан 63,0 т/га, “Магнус F<sub>1</sub>” навидан 61,8 т/га, “Фреско F<sub>1</sub>” 81,7 т/га ҳосил олинган. Нав намуналарининг рентабеллик кўрсаткичи назорат вариантга нисбатан 48-95 % га юқори бўлган;

кучсиз шўрланган майдонларда оқбош қарамнинг нав ва дурагайлари экиш схемасини ҳосилдорликка таъсири ишланмаси Нукус тумани “ALAKO‘Z” фермер хўжалигида 0,2 гектар майдонга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 11 январдаги 01/01-65-сонли маълумотномаси). Натижада оқбош қарам

навларини кулай экиш схемаларда экилганда ҳосилдорлик “Навруз” навидан 68,4 т/га, “Ташкентская 10” навидан 67,0 т/га, “Магнус F<sub>1</sub>” навидан 72,2 т/га, “Фреско F<sub>1</sub>” 77,1 т/га рентабеллик даражаси 168-180 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий-тадқиқот натижалари 5 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этиш тавсия этилган асосий илмий нашрларида 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг “Оқбош карамнинг (*Brassica capitata* ligz.) нав намуналари, мақбул экиш муддатлари ва экиш схемаларини аниқлаш юзасидан адабиётлар шарҳи” деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий-тадқиқотлари ва адабий манбалар шарҳланган. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикаси шўрланган тупроқларининг таснифи, оқбош карамни тупроқ иқлим шароитига мос нав намуналарини танлаш, мақбул экиш муддатларини, экиш схемаларини, морфо-биологик ва хўжалик белгиларига боғлиқлигини ўрганиш юзасидан илмий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг “Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услублари” деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг рельефи, табиий тупроқ-иқлим шароити ва тадқиқот олиб бориш услуби юзасидан маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг “Тадқиқот ўтказиш жойи ва тупроқ-иқлим шароити” деб номланган биринчи бўлимида асосий тажрибалар олиб борилган жойнинг рельефи, табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг “Тадқиқот объекти ва тажриба ўтказиш услубиёти” бўлимида ҳар бир алоҳида тажрибани ўтказиш услубиёти баён этилган.

Диссертациянинг “Кучсиз шўрланган майдонларда етиштириш учун оқбош карам нав намуналарини танлаш” деб номланган учинчи бобидан бошлаб баҳорги муддатда оқбош карам нав намуналарини ўсиши ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш ва уни етиштириш юзасидан олиб борилган тажриба натижалари берилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Кучсиз шўрланган майдонларда етиштириш учун оқбош карам нав намуналарини танлаш” деб номланган бўлимида оқбош карам нав намуналарини хўжалик-қимматли белгиларининг намоён бўлишини ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган (1-жадвал).

Голландия дурагайлари 40 кунлик кўчат экилганда 27–39 кундан сўнг карамбош ўрай бошлади. Россия дурагай ва навлари 28–38 кун, маҳаллий навларда 30–46 кунни ташкил қилди. Ўсув даври Голландия дурагайларида 100–138 кун; Россия дурагай ва навларида 108–140 кун ва Ўзбекистон навларида 125–136 кун бўлди.

Стандарт “Ташкентская 10” навида ҳосилни йиғишдан олдин эркин барглар сони 19,7 дона бўлган, унга нисбатан “Надежда” навида 6,1 %, “Навруз” навида – 7,6 % кам; стандарт “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида эркин барглар сони 17,8 дона, унга нисбатан “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида – 7,4%; “Греен престо F<sub>1</sub>” дурагайида – 1,7 %; “Бухарест F<sub>1</sub>” дурагайида – 2,6% кам бўлди.

Оқбош карам нав намуналарини карамбош ўрай бошлаган фазасида барг банди узунлиги стандарт “Ташкентская 10” навида 4,1 см, “Навруз” навида стандартга нисбатан 4,7 % кам; стандарт “Фреско F<sub>1</sub>”, “Юбилейный 217 F<sub>1</sub>” дурагайларида 3,5 см, “Мишутка F<sub>1</sub>” дурагайида стандартга нисбатан 2,8 % узун, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 22,9 % калта бўлган.

Стандарт “Ташкентская 10” навида кўчат тутиб олган даврда баргининг узунлиги 7,4 см барг бўлган бўлса, “Навруз” навида (8,5 см) 14,8 % узун бўлди. “Бегабадская” ва “Голден акре 1432” навларида 7,0 см.ни ташкил қилиб стандартга нисбатан 5,4 % кичикроқ, “Надежда” (6,5 см) нави 12,2 % га кичик бўлди.

Бир туп ўсимликдаги барг вазни “Навруз”(1314,7 г) навида стандартга нисбатан 18,2 % га, “Бегабадская” (1070,4 г) нави 33,5 % га енгил бўлди.

Энг паст кўрсаткич Голден акре 1432 нави (817,8 г) ва “Надежда” (637,6 г) навларида бўлган. Дурагайлар орасидан энг юқори кўрсаткич стандарт “Фреско F<sub>1</sub>” (1842,7 г), қолган барча дурагайларда стандартга нисбатан (34,5 - 79,7 % гача) кам бўлганлиги кузатилди.

Стандарт “Ташкентская 10” навида карамбоши баландлиги 15,2 см, диаметри 15,0 см, карамбош индекси (1,01) шакли юмалок; “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 14,8x13,7см, индекси (1,08) шакли юмалок.

2021-2023 йилларда стандарт “Ташкентская 10” навида карамбошлари вазни ўртача 1249,5 г.ни, ҳосилдорлик 59,5 т/га, “Навруз” навида стандартга нисбатан карамбош вазни 7,0 % га, ҳосилдорлига 6,9 % га паст бўлган; “Фреско F<sub>1</sub>” (st)

**Кучсиз шўрланган майдонларда етиштирилган оқбош карам нав намуналари  
ҳосилдорлиги (2021-2023 йй.)**

Нав намуналар	Умумий ҳосилдорлик, т/га					Товарбон ҳосил		Ноговар ҳосил, %
	2021 йил	2022 йил	2023 йил	ўртача	st га нисбатан, %	т/га	st га нисбатан, %	
Ташкентская 10 (st)	62,2	57,6	58,7	59,5	100,0	48,9	100,0	18,0
Надежда	23,5	18,6	19,4	20,5	34,4	10,6	21,7	48,0
Бегабадская	52,7	47,2	51,0	50,3	84,5	38,7	79,1	23,0
Навруз	56,6	54,5	55,1	55,4	93,1	50,4	103,0	9,0
Золотой гектар 1432	43,1	38,9	39,8	40,6	68,2	30,8	62,9	24,0
Фреско F <sub>1</sub> (st)	67,7	62,5	66,6	65,6	100,0	55,1	100,0	16,0
Григорян F <sub>1</sub>	46,5	42,1	45,2	44,6	67,9	37,4	67,8	16,0
Эмили F <sub>1</sub>	47,3	43,0	43,5	45,7	69,6	38,8	70,4	15,0
Магнус F <sub>1</sub>	62,3	57,8	60,9	60,0	91,3	55,2	100,2	8,0
Грин флеш F <sub>1</sub>	28,8	26,5	26,9	27,4	41,7	17,8	32,3	35,0
Блю жейс F <sub>1</sub>	28,4	24,7	23,1	25,4	38,7	15,4	27,9	39,0
Греен престо F <sub>1</sub>	47,2	42,7	42,4	44,1	67,2	34,4	62,4	22,0
Аморе F <sub>1</sub>	13,7	9,3	10,3	11,1	16,9	5,6	10,2	50,0
Юбилейный 217 F <sub>1</sub>	18,6	12,4	14,9	15,3	23,2	7,7	14,0	50,0
Полка F <sub>1</sub>	28,4	27,8	26,9	27,7	42,2	18,1	32,8	34,5
Старт F <sub>1</sub>	29,1	25,5	24,3	26,3	40,1	16,9	30,7	35,6
Оргус F <sub>1</sub>	26,1	22,8	23,1	24,0	36,6	15,3	27,7	36,0
Вестри F <sub>1</sub>	43,3	35,7	38,6	39,2	59,7	30,0	54,4	23,5
Бухарест F <sub>1</sub>	42,8	37,1	44,6	41,5	63,2	33,6	61,0	19,0
Минутка F <sub>1</sub>	41,5	33,6	37,1	37,4	57,1	27,6	50,0	26,0
ЭКФ <sub>05</sub>	1,9	1,6	1,5	1,2	-	1,2	-	-
Сх%	4,8	4,3	4,1	3,2	-	4,2	-	-

дурагайида карам бош вазни 1379,0 гр, ҳосилдорлик 65,6 т/га ни ташкил этиб қолган дурагайлардан устунлик қилди.

Диссертациянинг “Кучсиз шўрланган майдонларда баҳорги муддатда экилган оқбош карам нав намуналарини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимида ўрганилган нав-намуналари ичидан қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган нав ва дурагайларни иқтисодий самарадорлиги тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карами нав намуналарини етиштиришда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи, рентабеллик даражаси стандарт “Ташкентская 10” навида - 136,0%, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида - 245,0%, “Навруз” навида 227,0%, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида - 153,0% ни ташкил қилди. Ушбу нав ва дурагайлар ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги барча нав намуналарига нисбатан юқори бўлди.


Диссертациянинг “Кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карам нав ва дурагайларини мақбул экиш муддатларини аниқлаш” деб номланган тўртинчи бобида оқбош карамнинг 2 та эртапишар, 2 та ўртапишар нав ва дурагайларини турли экиш муддатларини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг пишиш ва умумий ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, оқбош карам нав намуналарини фенологик кўрсаткичлари экиш муддатларига боғлиқ эканлиги аниқланди. Эртапишар “Навруз” навида 10 апрелда экилганда “карамбош ўрай бошлаш” фазаси ўртача 31 кунни, “карамбошларини етилиши” фазаси эса 86 кун, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 28; 61; ўртапишар “Ташкентская 10” навида 20 апрелда экилган вариантда 38; 106; “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 10 апрелда экилганда 40; 91 кунни ташкил этди.

Кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карам нав ва дурагайларини турли муддатларда экиб етиштирилиб, барча вариантлар бўйича ўртача барг сатҳи таққосланганда, эртапишар “Навруз” навида 7,83 дм<sup>2</sup>, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 6,21 дм<sup>2</sup>, ўртапишар “Ташкентская 10” навида 8,79 дм<sup>2</sup> ва ўртапишар “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 7,62 дм<sup>2</sup> ни ташкил этди (1-расм).

Эртапишар “Навруз” навида назорат вариантга нисбатан 10 апрелда экилган вариантда бир тупдаги эркин барглар сони 6,4 % га, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 12,8 % га юқори бўлиб, тажрибанинг ЭКФ<sub>05</sub> – “Навруз”, “Ташкентская 10” навларида ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 0,6 дона, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 0,5 дона, тажрибанинг аниқлиги S<sub>x%</sub> - “Навруз” навида 0,6 %, “Ташкентская 10” навида, “Магнус F<sub>1</sub>” ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайларида 0,5% оралигида ижобий бўлди.

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида ўзагининг қалинлиги назорат (20.04) вариант ва 30 апрелда экилган вариантларда бир хил (3,1 см) бўлди. 20-30 март ва 10 апрелда экилган вариантларда ушбу кўрсаткич 3,0 см.ни ташкил этиб назорат вариантга нисбатан 3,3 % га паст бўлди. “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида назорат вариантда 3,2 см, 10-30 апрелда экилган вариантларда 3,2 % га, 20-30 мартда экилган вариантларда 3,0 см ни ташкил қилиб 6,3 % га кичик бўлганлиги исботланди.



1-расм. Турли экиш муддатларини оқбош карам ўсимлигининг барг сатҳига таъсири (см), 2021-2023 йй.

Хўл илдиз вазни “Навруз” навида энг эрта 20 мартда экилган вариантда 94,7 г.ни ташкил этиб, назорат (30.03) вариант (98,5 г) кўрсаткичидан 1,9 % га паст бўлган бўлса, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида назорат (30.03) вариантда 86,5 г.ни ташкил этиб, 20 март ва 20 апрелда экилган вариантлар кўрсаткичидан 11,1-11,5% га юқори бўлганлиги аниқланди.

Оқбош карам нав на дурагайларини 2021-2023 йиллардаги ўртача умумий ҳосилдорлиги аниқланганда эртапишар “Навруз” навида энг юқори кўрсаткич (10.04) вариантда 60,5 т/га, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида назорат (30.03) вариантда 61,9 т/га, “Ташкентская 10” навида (20.04) вариантда 63,0 т/га ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида ҳам (20.04.) вариантда 72,2 т/га энг юқори ҳосил олинди (2-жадвал).

Диссертациянинг “Кучсиз шўрланган майдонларда экилган оқбош карам нав ва дурагайларини турли экиш муддатларда экиб этиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бўлимида эртапишар ва ўртапишар нав ва дурагайларни этиштириш учун сарфланган жами харажатлар, иқтисодий самарадорлик, соф даромад, бир тонна маҳсулот таннархи ва рентабеллик даражалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, оқбош карамни эртапишар “Навруз” навини 10.04 санасида экилганда 1 тонна маҳсулот таннархи (570 минг сўм) энг арзон, рентабеллиги 251% энг юқори, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайини 30.03 санасида экилганда 1 т. маҳсулот таннархи (565 минг сўм) энг арзон, рентабеллик кўрсаткичи 254,0 % энг юқори бўлди (3-жадвал).

**Кучсиз шўрланган майдонларда турли муддатларда экиб етиштирилган окбош карам навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2021-2023 йй.)**

Экиш муддатлари	Умумий ҳосилдорлик		Ноговар ҳосил, %	Товар ҳосил, т/га	назоратга нисбатан, %
	ўртача, т/га	назоратга нисбатан, %			
<b>“Навруз” нави</b>					
20/III	54,7	93,8	12,0	48,1	89,7
30/III (назорат)	58,3	100,0	8,0	53,6	100,0
10/IV	60,5	103,7	7,0	56,2	104,8
20/IV	58,6	100,5	12,0	51,5	96,0
30/IV	57,2	98,1	14,0	49,2	91,8
ЭКФ <sub>05</sub>	1,0	-	-	2,8	-
Sx%	0,3	-	-	0,9	-
<b>“Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи</b>					
20/III	53,4	86,3	8,0	49,1	85,4
30/III (назорат)	61,9	100,0	7,0	57,5	100,0
10/IV	56,2	90,8	9,0	51,1	88,8
20/IV	55,6	89,8	11,0	49,5	86,0
30/IV	39,7	64,1	25,0	29,7	51,6
ЭКФ <sub>05</sub>	1,0	-	-	3,1	-
Sx%	0,3	-	-	1,1	-
<b>“Ташкентская 10” нави</b>					
20/III	43,8	69,5	15,0	37,2	65,6
30/III	45,4	72,0	14,0	39,0	68,8
10/IV	53,3	84,0	12,0	46,9	82,7
20/IV(назорат)	63,0	100,0	10,0	56,7	100,0
30/IV	56,9	90,3	11,0	50,6	89,2
ЭКФ <sub>05</sub>	3,2	-	-	2,8	-
Sx%	1,0	-	-	1,0	-
<b>“Фреско F<sub>1</sub>” дурагайи</b>					
20/III	41,2	57,0	17,0	34,2	52,0
30/III	66,7	92,4	13,0	58,0	88,3
10/IV	70,1	97,2	10,0	63,2	96,2
20/IV(назорат)	72,2	100,0	9,0	65,7	100,0
30/IV	65,4	90,6	10,0	58,8	89,5
ЭКФ <sub>05</sub>	1,3	-	-	3,7	-
Sx%	0,3	-	-	1,1	-

Ўртапишар нав ва дурагайини экиб етиштиришда 20.04 экиш муддатини қўллаш юқори самара берди. Бунда 1 тонна маҳсулот таннархи “Ташкентская 10” навида 579 минг, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 532 минг сўм, рентабеллик даражаси мос ҳолда 159; 182 %.ни ташкил этди.

Диссертациянинг “Кучсиз шўрланган майдонларда окбош карам нав ва дурагайлари учун қулай экиш схемаларини аниқлаш” деб номланган бешинчи бобида, окбош карамнинг эртапишар ва ўртапишар нав ва дурагайлари кўчатларини турли экиш схемаларини ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва иктисодий самарадорлигига таъсирини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.


Турли экиш муддатларини оқбош карам нав ва дурагайлари иқтисодий самарадорлигига таъсири, минг сўм/га (70x30 см)

Кўрсаткичлар	20.03	30.03 наз	10.04	20.04	30.04
<b>“Навруз” нави</b>					
Уруғ, кўчат, ЁММ, ўғит ва парваришlash харажатлари	9681	9681	9681	9681	9681
Шўр ювиш	4000	4000	4000	4000	4000
Ҳосилни териш ва транспортда ташиш	7215	8040	8430	7725	7380
Жами харажатлар	20896	21721	22111	21406	21061
Устама харажатлар, 25%	5224	5430	5527	5351	5265
Кутилмаган харажатлар, 20 %	4179	4344	4422	4281	4212
Жами барча харажатлар	30299	31495	32060	31038	30538
Товарбоп ҳосилдорлик, т/га	48,1	53,6	56,2	51,5	49,2
Ялпи даромад (1 кг–2000 сўм)	96200	107200	112400	103000	98400
Соф фойда	65901	75705	80340	71962	67865
1 тонна маҳсулот таннархи	630	588	570	603	621
Рентабеллик даражаси, %	217	240	251	232	222
<b>“Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи</b>					
Уруғ, кўчат, ЁММ, ўғит ва парваришlash харажатлари	9786	9786	9786	9786	9786
Шўр ювиш	4000	4000	4000	4000	4000
Ҳосилни териш ва транспортда ташиш	7365	8625	7665	7425	4455
Жами харажатлар	21151	22411	21451	21211	18241
Устама харажатлар, 25%	5287	5602	5362	5302	4560
Кутилмаган харажатлар, 20 %	4230	4482	4290	4242	3648
Жами барча харажатлар	30668	32495	31103	30755	26449
Товарбоп ҳосилдорлик, т/га	49,1	57,5	51,1	49,5	29,7
Ялпи даромад (1 кг–2000 сўм)	98200	115000	102200	99000	59400
Соф фойда	67532	82505	71097	68245	32951
1 тонна маҳсулот таннархи	625	565	609	621	890
Рентабеллик даражаси, %	220	254	228	222	124

Тадқиқот натижаларидан аниқ бўлдики, Қорақолпоғистон Республикаси кучсиз шўрланган тупроқ-иқлим шароитида турли экиш схемаларини оқбош карам нав ва дурагайлари фенологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда, карамбошлари етилиши эртапишар “Навруз” навида 86-90 кунда, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи 61-62 кундан иборат бўлганлиги аниқланди.

Ўртапишар “Ташкентская 10” навида турли экиш схемаларини ўсимликнинг морфологик кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда, энг юқори кўрсаткич назорат (70x50 см) вариантда эркин барг сони 19,2 дона, барг сатхи

8,74 дм<sup>2</sup> ни, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 19,6; 7,70 тенг бўлди (2-расм).



2-расм. Турли экиш схемаларини оқбош карам нав ва дурагайлари эркин барглр сонига таъсири (2021-2023 йй.)

Оқбош карам нав ва дурагайлари маҳсулдорлиги экиш схемалари ва озикланиш майдонига боглиқ бўлиб, “Навруз” навида энг юқори кўрсаткич 70x50 см схемада экилганда карамбош ўлчами 14,7x14,6 см, карамбош вазни ўртача 1360,0 гр, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 14,8x14,4; 1376,0 бўлганлиги аниқланди.

Оқбош карам баҳорги муддатда етиштиришда энг юқори ҳосил: эртапишар “Навруз” навини 70x30 см схемада (51,9 т/га), “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи 60x30 см схемада (58,3 т/га), ўртапишар Ташкентская 10 навини 70x40 см схемада (54,8 т/га) ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайини 70x40 см схемада (57,5 т/га) экилган вариантлар бўлганлиги аниқланди (4-жадвал).

Кучсиз шўрланган тупроқларда оқбош карамнинг ўртапишар нав ва дурагайлари озикланиш майдони 0,28 м<sup>2</sup> (70x40 см) майдонда етиштириш юқори иқтисодий самара берганлиги аниқланиб, гектаридан “Ташкентская 10” навида соф даромад 50654 минг сўм, рентабеллик даражаси 160%; “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 53965 минг сўм, рентабеллик 167% ни ташкил этди.

Кучсиз шўрланган майдонларда турли схемаларда етиштирилган оқбош  
карам навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2021-2023 йй.)

Экиш схемалари, см	Умумий ҳосилдорлик,		нотовар ҳосил, %	товар ҳосил, т/га	назоратга нисбатан, %
	т/га	назоратга нисбатан, %			
<b>“Навруз” нави</b>					
70×30 см (назорат)	57,1	100,0	9,0	51,9	100,0
70×40 см	43,0	75,3	7,4	39,8	76,7
70×50 см	38,8	67,9	7,0	36,1	69,5
60×30 см	51,7	90,5	21,0	40,8	78,6
60×40 см	49,3	86,3	11,0	43,8	84,4
ЭКФ <sub>05</sub>	0,8	-	-	2,1	
Sx%	0,3	-	-	0,8	
<b>“Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи</b>					
70×30 см (назорат)	58,6	100,0	8,0	53,9	100,0
70×40 см	48,2	82,2	5,4	45,6	84,6
70×50 см	39,3	67,0	5,0	37,3	69,2
60×30 см	65,5	111,8	11,0	58,3	108,3
60×40 см	50,8	86,7	7,0	47,2	87,5
ЭКФ <sub>05</sub>	1,0	-	-	3,0	
Sx%	0,3	-	-	1,0	
<b>“Ташкентская 10” нави</b>					
70×30 см	57,0	100,0	14,0	49,0	89,4
70×40 см (назорат)	60,3	105,8	9,0	54,8	100,0
70×50 см	50,4	88,4	7,0	46,8	85,4
60×30 см	50,5	88,6	29,0	35,8	65,3
60×40 см	47,5	83,3	18,0	38,9	71,0
ЭКФ <sub>05</sub>	3,3	-	-	2,8	
Sx%	1,0	-	-	1,0	
<b>“Фреско F<sub>1</sub>” дурагайи</b>					
70×30 см	60,0	100,0	16,0	50,4	87,6
70×40 см (назорат)	62,5	104,2	8,0	57,5	100,0
70×50 см	50,8	84,6	7,0	47,2	82,0
60×30 см	47,8	79,6	21,0	37,7	65,5
60×40 см	50,8	84,6	17,0	42,1	73,2
ЭКФ <sub>05</sub>	1,0	-	-	2,9	
Sx%	0,3	-	-	1,1	

## ХУЛОСАЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида оқбош карам нав намуналарини танлаш, етиштириш технологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра:

1. Қорақалпоғистон Республикаси кучсиз шўрланган тупроқлари шароитида оқбош карам нав намуналари комплекс ўрганилиб, морфологик (карамбошининг зичлиги, йириклиги) ва қимматли хўжалик белгилари (эртапишарлиги, ҳосилдорлиги, шўрланишга чидамлилиги) бўйича баҳоланди.

2. Нав намуналарини ўрганиш натижасида, кучсиз шўрланган майдонларда эртапишар “Навруз” нави ва “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайи, ўртапишар “Ташкентская 10” нави ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайлари истиқболли намуналар сифатида ажратиб олинди.

3. Эртапишар “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 1 дона карамбош вазни ўртача 1260,0 г.ни, ҳосилдорлик 55,2 т/га, “Навруз” навида карамбош вазни 1162,8 гр, ҳосилдорлик 50,4 т/га; ўртапишар “Ташкентская 10” навида 1 дона карамбош вазни 1249,5 г, ҳосилдорлик 48,9 т/га, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида карамбош вазни 1379,0 гр, ҳосилдорлик 55,1 т/га.ни ташкил этиб, барча нав намуналардан устунлик қилди.

4. Кучсиз шўрланган майдонларда оқбош карам нав намуналарини етиштирилиб иктисодий самарадорлиги ўрганилганда: эртапишар “Магнус F<sub>1</sub>” (245%), “Навруз” (227%); ўртапишар “Ташкентская 10” (136%) ва “Фреско F<sub>1</sub>” (153%) нав ва дурагайларида энг юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

5. Кучсиз шўрланган майдонларда эртапишар “Навруз” навини ҳосил етилган даврларида барглارнинг узунлиги ва энининг узунлиги назорат (30.03) вариантда 27,9x26,7 см, барг сатҳи ўртача 7,45 дм<sup>2</sup> ни, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 24,6x24,3 см, барг сатҳи 5,98 дм<sup>2</sup>, ўртапишар “Ташкентская 10” навида назорат (20.04) вариантда бўйи ва эни узунлиги 31,8x30,0 см, барг сатҳи 9,54 дм<sup>2</sup> ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 28,5x28,6; 8,15 дм<sup>2</sup> га тенг бўлди.

6. Карамбошлар вазни бўйича тажрибанинг ЭКФ<sub>05</sub> фарқи “Навруз” навида 20,4 г, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 22,0 г, “Ташкентская 10” навида 66,7 г ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 26,9 г ташкил этди. Тажрибанинг вариантлар бўйича S<sub>x</sub>%- аниқлиги “Навруз” навида 0,3 %, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида 0,3 %, “Ташкентская 10” навида 1,0 % ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида 0,3 % ижобий бўлди.

7. Оқбош карам нав на дурагайлари 2021-2023 йиллардаги ўртача товарбоп ҳосилдорлик эртапишар “Навруз” навида энг юқори кўрсаткич (10.04) вариантда 56,2 т/га, рентабеллик даражаси 251%, “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайида назорат (30.03) вариантда 57,5 т/га, рентабеллик 254%, ўртапишар “Ташкентская 10” навида назорат вариантда (20.04) 56,7 т/га, рентабеллик 159% ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 65,7 т/га; 182 %га тенг бўлди.

8. Оқбош карамнинг ўртапишар “Ташкентская 10” навида турли озикланиш майдони морфологик кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, энг юқори кўрсаткич назорат 0,35 м<sup>2</sup> (70x50 см) вариантда эркин барг сони 19,2 дона, барг сатҳи 8,74 дм<sup>2</sup> ни, “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 19,6; 7,70 тенг бўлди.

9. Окбош карам нав ва дурагайларини эртаги муддатда етиштиришда 70x30 см (0,21 м<sup>2</sup>) ва 70x40 см (0,28 м<sup>2</sup>) экиш схемаларини қўллаш юқори ҳосил олишни таъминлади. Эртапишар “Навруз” навида умумий ҳосилдорлик 55,1 т/га, товарбоп ҳосил 51,9 т/га, соф даромад 72675 минг сўм, рентабеллик даражаси 233 %, ўртапишар “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайида мос равишда 62,5; 57,5; 53965; 167 га тенг бўлди.

Кучсиз шўрланган майдонларда окбош карам етиштиришда юқори самарадорликка эришиш учун фермер ва дехкон хўжаликларига:

эртаги муддатда етиштириш учун юқори ҳосилдор эртапишар “Навруз” нави ва “Магнус F<sub>1</sub>” дурагайини, ўртаги муддатда ўртапишар “Ташкентская 10” нави ва “Фреско F<sub>1</sub>” дурагайларини экиш;

кўчатларни эртапишар нав ва дурагайлар учун март ойининг учинчи, апрел ойини биринчи ўн кунлигида, ўртапишарлар учун апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида экиш;

кўчатларни эртапишар нав ва дурагайлар учун 60x30 ва 70x30см, ўртапишар нав ва дурагайлар учун 70x40 см схемада экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**

**ЖАДИГЕРОВА МЫРЗАГУЛ САРСЕНБАЕВНА**

**ОТБОР СОРТООБРАЗЦОВ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ  
ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ БЕЛОКОЧАННОЙ КАПУСТЫ  
(*BRASSICA CAPITATA LIZG.*) НА СЛАБОЗАСОЛЕННЫХ ПЛОЩАДЯХ  
(В УСЛОВИЯХ КАРАКАЛПАКСТАНА)**

**06.01.06 – Овощеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам

**Ташкент – 2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за № В2023.3.PhD/Qx1199.

Диссертация выполнена в Каракалпакском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Шокиров Алишер Журабоевич,  
доктор сельскохозяйственных наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Адилев Мақсуд Мирвоситович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор  
Бўстонов Зокиржон Тажибаевич  
кандидат сельскохозяйственных наук

**Ведущая организация:** Самаркандский институт агроинновации и исследований

Защита диссертации состоится 30 октября 2024 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета при Ташкентском государственном аграрном университете DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 (Адрес: 700140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz). Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-й этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирован под №551886). (Адрес: 700140, Ташкент, Университетская улица, дом №2. Информационно-ресурсный центр Ташкентского государственного аграрного университета. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 18 октября 2024 года  
(реестр протокола рассылки номер №27 от 16 сентября 2024 года)



*[Signature]*  
Ш.И.Асатов  
председатель научного совета по  
присвоению ученых степеней, д.с.х.н.,  
профессор

*[Signature]*  
М.З.Холмуротов  
первый секретарь Научного совета по  
присвоению ученых степеней,  
д.ф.с.х.н., (PhD) доцент.

*[Signature]*  
С.А.Юнусов  
председатель научного семинара при  
научном совете по присвоению ученых  
степеней, д.с.х.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире капуста белокочанная выращивается на площади более 2,467 млн. га, общий объем производства составляет более 72,28 млн. т. Показатели по странам следующие: Китайская Народная Республика (25,2 кг на душу населения, общая посевная площадь – 1,0 млн.га, урожайность - 35,0 т/га, валовое производство 35,1 млн.т), Индия (соответственно, 7,2 кг, 388,0 тыс.га, 23,2 т/га, 9,56 млн.т), Южная Корея (47,9 кг, 68,2 т/га, 2,47 млн.т), Россия (16 кг, 67,9 тыс.га, 34,7 т/га, 2,35 млн.т). ) и Узбекистан (20,8 кг, 12,6 тыс.га, 54,0 т/га, 680,640 т.).<sup>1</sup>

В странах мира с умеренным климатом, таких, как Китай, Индия, Россия и многих других, в сельском хозяйстве широко распространена практика выращивания овощей. Для удовлетворения потребностей населения в продовольственной продукции, а также повышения экспортного потенциала фермерских, дежканских хозяйств и владельцев приусадебных участков, в настоящее время имеет актуальное значение проведение научных исследований по созданию ранних и среднеспелых сортов и гибридов, устойчивых к различным стрессовым факторам, особенно в условиях засоленных и слабозасоленных земель, а также по подбору срока посева и площади питания растений, совершенствованию ресурсосберегающих технологий и снижению себестоимости продукции.

В последние годы в Республике Каракалпакстан в целях обеспечения продовольственной безопасности реализуются масштабные меры по полному удовлетворению потребностей населения в качественной, имеющей низкую себестоимость овощной продукции, по выращиванию в соответствующих условиях на засоленных и слабозасоленных землях высокоурожайных, экспортоориентированных, пользующихся спросом на внутреннем и внешнем рынках видов сельскохозяйственной продукции, особенно овощей, а также для более рационального использования земельных и водных ресурсов. В 30-цели Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы в качестве одной из приоритетных задач поставлена задача "...выращивание экспортоориентированной продукции и развитие плодоовощеводства<sup>2</sup>. В этой связи, подбор сортообразцов для выращивания на слабозасоленных землях и совершенствование технологии выращивания сортов белокочанной капусты является актуальной задачей.

Данная диссертационная работа в определенной степени способствует выполнению постановлений Президента Республики Узбекистан №4716 "О дополнительных мерах по поддержке владельцев приусадебных земель и обеспечению занятости населения" от 18 мая 2020 года, ПП-113 "О дополнительных мерах по расширению и поддержке производства и

<sup>1</sup> <http://surl.li/odnwg>

<sup>2</sup> Указ Президента РУз №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года.

переработки сельскохозяйственной продукции в 2023 году” от 05 апреля 2023 года, ПП-115 “О мерах по поддержке производства продукции в домохозяйствах населения промышленным методом и задействованию новых резервов в приусадебных и дехканских хозяйствах” от 05 марта 2024 года, а также задач по выращиванию доходных культур в домохозяйствах населения и выполнению задач, связанных с этой деятельностью, указанных в нормативно-правовых документах и других, касающихся сферы нормативно-правовых актов.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления науки и технологий: V - «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

**Степень изученности проблемы.** По совершенствованию технологии выращивания белокочанной капусты проводили научные исследования ученые зарубежных стран, в том числе в США - M.Williams, Испании - C.Rodrigues, в Турции - Ş.Neslihan, Индии - R.Gupta, России - Н.Б.Петров, В.А.Денисов, В.В.Скорина, В.Ф.Пивоваров, Л.К.Гуркина, И.Д.Ражабли, О.Н.Вишневская, А.Ф.Бухаров, Л.И.Уралец, М.Н.Шаптуренко, В.Н.Лукьянец, С.В.Королева, Г.А.Костенко, А.Д.Джахангиров, Г.Ф.Монахос, В.П.Кузьмищев; в Казахстане - Т.Айтбасв и многие ученые других стран.

В Узбекистане исследования в данной области проводили В.И.Зуев, О.Кадырходжаев, Б.Ж.Азимов, Т.Э.Остонакулов, А.М.Аббасов, М.Х.Арамов, А.Ж.Шокиров, С.Лапасов и другие.

